

“ТАСДИКЛАЙМАН”
“Куйлик дехкон бозори” АЖ директори
Ж.Б.Алматов
“18” апрел 2022 йил



**Бектемир тумани хокимияти, «Куйлик дехкон бозори» АЖнинг рахбарияти,
хамкорлигида утказилган мажлис**

БАЁННОМАСИ № 11

“18” апрел 2022 йил

Тошкент шаҳри

Мажлис раиси:

Жамият директори

Ж.Б.Алматов

Мажлис катнашчилари:

Вазирлар Махкамаси хузуридаги дин ишлари буйича

Ж.Милкузиев

Кумита ходими

Бектемир тумани дин ишлари буйича кумитанинг

О.Сайдалиев

бош мутахассиси

Жамият директорининг биринчи уринбосари

А.Абдужамиллов

Жамият директорининг хавфсизлик

буйича уринбосари

Т.Сабденов

Тозалик буйича директор уринбосари

М.Шержонов

Мажлис иштирокчилари:

Жамиятнинг ходимлари - 68 та киши

КУН ТАРТИБИ:

1. **“Жаҳолатга карши маърифат” гоясининг мазмун моҳияти**
2. **“Сохта даъволар” видеофильм томошаси**

Мажлисни жамият директори Ж.Б.Алматов очиб, барчани кун тартибидаги масалалар билан батафсил таништириб утди. Жумладан бозор жамиятида диний мутаассиблик ва акидапарастликнинг барча куринишларига, юртнинг тинчлиги, осойишталигига раҳна соладиган ватандошларимизнинг имон – эътиқоди ва ишончига путур етказадиган ҳар қандай гоялар, назариялар ва тушунчаларга нисбатан муросасиз кураш муҳитини шакллантириш ва бозор жамияти ҳудудида миллий маънавиятимизга зид булган диний акидапарастлик ва миссионерликни тарғиб қилувчи кино, видео ва аудио маҳсулотлари, китоб, газета, журналларнинг ноқонуний савдосини олдини олиш чораларини куриш юзасидан бир қатор фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир давомида Вазирлар Махкамаси хузуридаги дин ишлари буйича кумита ходими Ж.Милкузиев сузга чиқиб, тинчликни қадрига етиш дунёвий давлат ва дин муносабати, ноқонуний дин фаолият турлари ва уларнинг профилактикаси, айрим исломий тушунчаларнинг яъни жиҳот, ҳижрат, шаҳидлик тушунчаларининг асл мазмун – моҳияти юзасидан тушунтириш ишлари ташкил этилди. Оғохлик ва хушёрликни янада ошириш каби

масалалар ва жамиятдаги ёшларни турли хилдаги диний оқимларга кушиллик куймасликни, ёшларни ёд гоёларга ишониб куймасликни олдини олиш буйича доимо давра суҳбатларини ташкил этиш юзасидан бир катор фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, ёшларни турли зарарли иллат ва ёт гоёлар таъсиридан химоя қилиш, ёшлар уртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, бозор жамиятларида фаолият юритаётган уюшмаган ёшларнинг ҳаётда уз урнини топиш учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб – қўватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш юзасидан бир катор фикрлар билдирилди.

Шунингдек маърузадан сунг, “Сохта даъволар” деб номланган видео фильм томошаси ташкил этилди.

Кун тартибидаги масалалар атрофида муҳокама этилиб, мажлис

КАРОР КАБУЛ КИЛИНДИ:

1. “Жаҳолатга қарши маърифат” гоёсининг мазмун моҳияти тарғибот этишни давом этиш
2. Жамиятнинг тадбиркор ва ходимларига мунтазам равишда огоҳлик ва ҳушёрлик юзасидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда давра суҳбатларини ташкил этиш

Маънавий/маърифий ишлар инспектори



Н.Касимова